

Интизорлик билан кутилган қадимий ва навқирон Наврўз юртимизга кириб келди. Шарқ халқларида Наврўз янги йилнинг бошланиши деб эътироф этилади. Бу йил Бухоро заминига Наврўз Устани шухуд тароват нафосат билан қадим қўймоқда. Бир томондан шариф шаҳримизнинг 2500 йиллиги дунё миқёсда нишонланса, иккинчи жиҳати ўзининг баҳорини қаршилаган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ишга туширилишидир. Бу исқала сана мамлакатимиз тарихида бекдесе воқеа сифатида қайд этилиши мумкин. Узбеклар мўъжизаси сифатида эътироф этилаётган бу йилнинг ишоот халқимизга фаровонлик келтириши, мамлакатимиз қудратига қудрат қўшиши шубҳасиз. Узбекнинг «оқ олтин» каби унинг «қора олтин» ҳам жаҳон бозори сари йўл олишига, уни забт этишига саноқли ойлор қолди. Бу йил қадими қутлуг келмоқда, Наврўзимизнинг!


Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи — тежорлик билан тикланаётган юздан ортиқ катта-кичик мураккаб ишоотлар мажмуидир. Айни пайтда қурилиш-монтаж ишларида ҳал қилувчи кунлар бошланди. Утаётган ҳар бир кун ўзига ҳос мазмун касб этаётди. Заводда ишлаётган ишчи-техник ходимлар нафақат мамлакат, балки бутун дунё нигоҳи Қоровулбозорга қадалангани чўқур ҳис этмоқда. Июнь ойнинг дастлабки ярмида заводнинг илк дастхоналари ишга тушади.

Заводга февраль ойида 11 миллион сўмга (1991 йилги солиштирма баҳоларда) яқин қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Март ойида бу рақам 13,3 миллион сўмга етиши мўъжалланмоқда. Ҳозирги пайтда қурилиш майдонларида бир неча минг ишчи меҳнат қилаётди. Юзлаб автоулов, механизмлар бир лаққа ҳам тиним билмайди, чуқки вақт тизил. Ҳар лаққа ҳисобда. Қурилиш суръатини жадаллаштириш мақсадида унчици сме-

### ЎЗБЕКЛАР МЎЪЖИЗАСИ

ламзорлаштириш ишларини сиздиқилдан бажарётган ана шундай ёшлар жумласига кирди. Урмон ҳўжаллигида саккиз йилдан буюн ишламади, — дейди гўжувонлик Сафар Йўлдошев. — Қоровулбозорга келганимга икки йил бўлди. Меъни биринчи бўлиб ажаблантирган нарса шу бўлдики, бу ерда дарахот оз экан. Тури, бу ернинг иқлими, табиати беаёв, беафқат. Аммо одам қадими теккан, қўлининг тағтини туйган ҳар қандай ерда гул ундириши мумкин. Ишончим қомилки, яйдок дашта икки — уч йил ичида яшил боғ-роғлар, ўрмонзорлар пайдо бўлади.

Нефтни қайта ишлаш заводи ишга тушгач, унда мингдан ортиқ малакали мутахассислар мунтазам меҳнат қилади. Ана



са, шаҳарчада ҳаммаси инобатга олинади. Дам олиш масканлари, шифохона, дорихона, савдо дўконлари, маъши-соғломлаштириш мажмуи, почта алоқаси бўлими, кичик сўт цехи, меҳмонхона ана шулар жумласидан. Шу биланнинг ақсариятида қурилиш ишлари қизган бормоқда. 624 ўқувчига мўъжалланган мактаб, 140 нафар бола учун боғча биноси қуриб битказилди. Яна икки шундай бино қурилиш давом этмоқда.

Германиянинг «Винки» фирмаси технологияси асосида ишловчи ноновйохона бир йилдан буюн қурувларини нон ва нон маҳсулотларини билан таъминлаб турибди. Бу нефтьчилик шаҳарчасида истиқомат қилувчилар учун яратилган даштабика қўлайликлардан бири

### «Ўзбекистон»нинг Қоровулбозордаги нефтни қайта ишлаш заводи қурилишдаги муҳбирлар таянчи хабар қилади

иштироқ этаётган ташкилотларнинг транспорт воситалари билан таъминлашдаги масъулиятли вазифа юклатилган. Нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши билан тенгдош бўлган бу корхона кейинги уч йил ичида йирик автохўжаликка айланади. Корхона ташкил этилган йил бу ерда ўндан ортиқ машина бўлган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 100 дан ошиб кетди. Автоуловлар асосан хорижий мамлакатлардан олиб келирилган, замонавий, ичим ва қудратли меҳнат унмодорлигини оширишда мўҳим аҳамият касб этмоқда. Корхона ўнг йили 10 миллион сўмдан ортиқ соф фойда билан яқунлади. Эвазига шу йилнинг биринчи чорагида яна 6 та экскаватор, бульдозер харид қилинди.

— Мамлакатимизнинг йирик ишоотида меҳнат қилиш биз учун ҳам шарафли, ҳам масъулиятлидир, — дейди ишчи Бозор Жумаев. Ёш замондошларимиз барпо этаётган бу завод юртимизнинг гўллаб-қувватлашда, элимиз фаровонлигини оширишда ишонамиз.

Ҳа, ёшлар ишонч билан қураётган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи келажакда буюк давлатимизнинг таракқиёт сари қўйган дадил қадимидир.

Дунёда мўъжиза ҳақида кўп айтилган, кўп ёзилган. Ван-техника тараққиёт даштада ҳар кун бир кашфиёт, бир иштироқ яратишини ўзи мўъжиза. Тарих саҳифаларида осмон саноатини очган, табобат илмининг пойдеворини яратган, ўзининг ақл-заковати, тафаккури билан дунёни ҳайратга солган улуг халқимиз мустақиллик шарафати билан яна шундай мўъжиза яратганини қодирлигини исботлаб берди. Минг йиллар давомида фақат қақроқ чўлу, шувуқ, ян-тоқлар ўсадиган дашта Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг барпо этилиши, ҳақиқатдан ўзбеклар мўъжизаси. Шуниси эътиборга сазоворки, бу мўъжиза иждоқорлар қайли қайноқ, мангилан порлоқ ёшлариди.

**БаҳромСОЛИЕВ,**  
«Қоровулбозор тонги»  
газетаси муҳаррири,  
«Ўзбекистон»нинг завод қурилишдаги муҳбирлар таянчи аъзоси

### СОПОЛДАН — ТИШ

Шу пайтга қадар сопол чинни буюмлар тайёрлаш учун хом ашё бўлиб хизмат қилар эди. Эндай эса ундан тиш ва тиш ойнаси асбоблари тайёрлаш ҳам мумкин эканлиги маълум бўлди. Республика Фанлар академияси «Физика — Қўёш» илмий ишлаб қилар иш бирлашмаси олимларининг бу борадаги иштироси тажриба тариқасида Тошкент Давлат тиббиёт институтининг 4-полклинникасида синодан утказилди. Натijasида сопол тишлар қимматбахо металллардан тайёрланганига қараганда анча енгил ва пишқ бўлиб, нисбатан анзон тишиши аниқланди. Энг муҳими — бундай тишлар зангламайди, турпи кислоталар таъсирига берилмайди. Ҳозир бирлашма тажриба корхонасида сополдан тиш-жадроҳлик ускуналари ишлаб қилар ишга қиларлик қилармоқда. **Б. ОСТАНОҚУПОВ,** УЗА муҳбири.



Швеция ташқи ишлаш вазири Пена Елм Вален Албанидаги воқеаларни пазоҳар экан мазкур давлатда худудлик ёрдами инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш позимлигини таъкидлади. Шунингдек, у Швеция ҳўкумати Албания халқига эзлик-овқат ва дорин-дармон етказиб беришни маълум қилди. Бундан ташқари Швеция ҳўкумати Халқаро Қизил Хоч қўмитасига 30 миллион крон миқдорда маблағ ажратди. Ушбу маблағнинг маълум бир қисми Албания учун мўъжалланган.

Работда Ислон конференцияси ташкилотининг ташқи ишлаш вазири даражасидаги 16-сессия бўлди. Сессияда Қудас шаҳрида юз бераётган воқеаларга доир масалалар қўрилди. Унда Марокко подшоҳлиги вакили мўсулмонларни ҳеч қачон мукаддас шаҳар — Қудасни тарк этмасликка даъват этиди. Шунингдек, у Ислон ҳўкуматининг мазкур шаҳарда яқунда қилар режаси мийнотдаги вазиятни янада кескинлаштиришга сабаб бўлишини таъкидлади. Сессия иштирокчилари Фалатинликлари қўллаб-қувватлашга қаратилган «Бейт Ал-Ма» Ислон жамғармасини тўзишга қарор қилди.

1996 йили Россия ва Озарбайжон ўртасида имзоланган ҳўкуматлараро битимга мувофиқ, Озарбайжон нефти шу йилнинг 1 октябрдан бошлаб Россия худудидан олиб утлалди. 2002 йилга бориб Россия худудидан олиб утлалган нефти 5 миллион тоннани ташқил этади.

## Муносабат

Матлумки, 1997 йил 28 март кун Москвада МДХга аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Россиядаги ақсарият газеталар бу учрашуга олдидан «пукта» тайёргарлик кўрганликлари, уларда босилган мақолалар мазмунидан билиниб қолди. Аввало, Россия-Белоруссия иттифоқи зўр бериб тарби қилинди, мустақил сўбат юриятланди Украина, Ўзбекистон, Озарбайжон ва Грузияга ивотарона тошлар отилди.

Ана шундай «мақола-ҳўжат»лардан бирига тўхталиб ўтмоқчиман: «Независимая газета» мустақил давлатларнинг раҳбарларини Москвага келишидан бир кун олдин, яъни 26 март кун босиб чиқарган, қарийб бир ярим саҳифадан иборат мақолада ҳўжат деб аталган, бирок ким ва қайси идора томонидан тайёрлангани айтилмаган. Сарлавҳаси эътиборни торттириши аниқ: «МДХ тарихининг бошланиши еки охири». Таг сарлавҳаси эса «Ҳўжат муаллифлари яқин хориж Россия катталикларига ҳўж тўдилари деб ҳўсб-лайланди» қабилида.

Анқорони, бу «ҳўжат-мақола» муаллифлари Белоруссиядан бошқа бирорта ҳам давлатни Россияга дўст деб ҳўсблаймайдилар. Ёки бу Москвага келган давлат раҳбарларига таъна таркида атайлаб тайёрланган «сўвағи», ё уларнинг юрагига гуягула солмоқчи бўлганларнинг ишми? Эҳтимол учрашувининг муваффақиятсиз тушунидан манфаатдор кўнларнинг ҳаракатларидир? Ҳуллас, бу меҳмонларни даъва билан қутиб олган мезоннинг қилмишини эслатади.

Мен «ҳўжат-мақолада» МДХга аъзо бўлган иккита мустақил давлат — Россия билан Беларусиянинг битта иттифоққа бириштириш катта тартиқли воқеа сифатида таъкид қилинган ва бошқалар ҳам шу иттифоққа киришга даъват этилди. Бироқ МДХга аъзо давлатлар доирасида тузилмаган бошқа ҳар қандай иттифоқ Россияга қарши қаратилган деб ҳисобланади.

## «Ақллилик» Балоси

**Авваламбор, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги конфедерация эмаслигини эсдан қилармаслик, яъни ҳар бир ишда унинг мақомига амал қилар зарур. Бу борада бошқа ҳар хил ҳавойи орзу умидларга берилар ярамайди. МДХ доирасидаги иқтисодий жараёнларга ҳам шу нуқтан назардан ёндошмоқ керак. Бу жараённи гайритағйи равишда тезлаштиришга интилиш девалёвьяга — мутлақо тесқари оқибатларга олиб келиши мумкин.**  
**Ислон ҚАРИМОВ.**

қазий Осиёда насл-насаб учун нима қилиб керак? Ҳўжат муаллифлари сийсий ўйин ёки ақллилик қилиб ўтишмайди. Ҳамон империя жонивини қўсмаётганлар «катта отанинг руҳсизлиги» билан қилар қамқорлик қилаётган «бебос уқаларни тартибга қакриб қўйишни даъво қилади. «Россия диққат-эътиборни Марказий Осиё давлатлари ўртасида шаклланаётган иттифоқни заифлаштиришга, унинг тарқалиб кетишига ва ички минтақавий қарам-қаршилиқни кучайтиришга қаратиши зарур» дейилади. Бу ҳам етмагандек, сурдлик билан президентлар ўртасида низо туздирлишга даъват этилади ва шундангина минтақда сийсий вазиятни Россия фойдасига ўзгартириш мумкин деб ҳулоса чиқарилади.

паларни номоён қилишда Ўрта Осиёнинг Россия транспорт инфраструктурасига боғлиқлиги минтақанинг янги давлатларини анча нозик аҳволга солиб қўлди, дейилади.

Менимака, «қамчи» ва «принцип» стратегиясини ишлаб чиқарилар «ақллилик» балосига йўл қилиб, кўп нарсани унутиб қўйишди. Биринчидан, хомашё экспортти эндиликда фақатгина уларнинг худудидан амалга оширилмаслигини эътиборга олишмайди. Марказий Осиё учун ҳозир гарбага ҳам, шарққа ҳам, жанубга ҳам йўл очилган. Шимол йўлини тўсиб қўйган аввало ўзига эиён қилади. Чунки, ҳеч ким бу йўлдан текин фойдаланмайди. Иккинчидан, қарзни қўстиб билан қўрқитиш ҳам асоссиз. Бунинг учун аввало ким-қилдан қарз эканлигини аниқлаб олиш зарур. Учунчидан, бировнинг ширин кулча билан сийлаш учун пул бўлиши керак. Уз одамларини иш ҳақи билан таъминлай олмаётган давлат қандай қилиб ўзгаларга ширин кулча улашиб? Туртинчидан, Божхона иттифоқидан чиқиб эки амалдаги аҳдономалар-у шартномаларни бузиш қимга фойда юз кимга зарар — бунга ҳам-маннинг ақли етиб турибди. Худди шунингдек, озиқ-овқат ва энергетика блокдаси шарпасини номоён қилиш ҳам халпарастликни эслатади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тузилганига беш йилдан ошган бўлса, шундан бери барча давлатларнинг тенг ҳуқуқли ҳамқорлик этиши ҳақида гапирилади. Москвадаги охири учрашувда ҳам ақсарият давлатларини раҳбарлари фақат ана шундай ҳамқорликни МДХ мақомига мослигига эътиборни қаратишди. Жумладан, Ўзбекистон ва Украина президентлари бу фикрнинг алоҳида таъкидлаб ўтишди.

бўлмаган ҳолда Россиядан ташқарига бориб қолган нафақат ватандошларимизни, балки кенгроқ, яъни Ўрта Осиёдаги жамми русийзабон қатламлар ҳамми қўллаб-қувватлашга мажбурми» деб кескин ҳулоса чиқарилади деб ҳисобланади. Унда бундай қаволатни ким берганлиги ва қандай халқаро ҳўқуқ мезонларига асосланганлиги айтилмайди. Ақсарият, сурбетлик билан мақсадга ўтилади, яъни қўллаб-қувватлашдан қўзланган асосий мақсад Ўрта Осиёдаги Россияга таянмаган муҳолифат қўнларга ҳамда рус ва русийзабон ҳаракатларга ёрдам беришдан иборат. Нима ҳам дердик, бузғунчилик бундан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Империяпарастлар «Россияга таянмаган муҳолифат қўнларга» алоҳида умид боғлашяпти. Айрим оммавий-ахборот воситаларидаги чиқилар Ўрта Осиё халқлари ўртасида аловат уруғини сепашига хизмат қилаётганлиги бор гап. Демак, информатсион таъсир қўрсатиш гоёси алақадор кучга қасирган. Бироқ, бу етарли эмас. Ниёз қиларши учун миллатни ва давлатни обрўсизлаштиришнинг бошқа йўллари ҳам излаб топиш зарур. Ҳўжат муаллифлари бош қотирмадан излаб топишдан қўрқинди. Ҳўж билан инсон ҳўқуқлари ва асосий эркинликларга амал қилиш бўйича олиб бориладиган компанияда Россиянинг расмий кишилари энг юқори даражада қатнашилари зарур». Вой, шовшоқлар-эй, бу махфий муаллифлар кўп нарсалар беҳабар қилишди. Эслатиб қўймасак бўлмас: АҚШ давлат департаменти ҳамда инсон ҳўқуқларини ҳимоя қилувчи йирик халқаро ташкилотларнинг 1996 йил якуни бўйича эълон қилган ҳисоботларида Россия дунёдаги инсон ҳўқуқлари энг кўп бузилган давлатлар қаторида тилга олинган. Чеченистонда юз минглаб бегуноҳ аҳоли қурбон бўлганлиги, Россиянинг вилоятларида миллионлаб одамларнинг олим, йиллик иш ҳақларини оломай юрганлиги, катта шаҳарларда қўсаларни кавказлик ва ўртаосийликларга ўхшаган кишилар таъкид этилаётганлиги — нима, бу инсон ҳўқуқларининг поймол этилиши эмасми? Аввал ўзинга бок, сўнгра ногора қок, деган гап бор. Яқинда журналист Альберт Мусин ҳақида олиб борган компаниянинг нима билан туғатилганда хабардоримиз. Ўзбекистонини ёмонликка чиқариш учун йўл шарини роса чиришиб пуфлаганини. Мусин ҳаммангизини лаққилатиб, хонанига аича бўлди.

Иброҳим НОРМАТОВ.



# БИРОВНИНГ ОШИ

Кишининг совуқ чилласи. Майдалаб ёгаётган қор кўз очиргани кўймайди. Бекаат ҳар хил юмуш билан йўлга чиққан одамларга лиқ тўла. Шаҳар касалхонасидаги қариндошидан хабар олишга отланган Назокат ҳам кўп қатори автобус кутмоқда. Эғнида сўнгги модалаги пальто, бошида сувсар телпак...

Кўпчиликнинг нигоҳи 35 ёшлар чамасидаги ана шу аёлга қадалган.

Унинг бутун эътибори эса, юпунгина кийиниб бир кўлида бола кўтарган, бир кўли билан тугун кўлтқиқлаб олган жувонда «Нима азоб экан-а, шундай совуқда бола билан йўлга чиқиб. Намунча шалвиримас бу аёл. Кўринишидан эри ҳам йўққа ўхшайди. Ҳозир манман деганларнинг эри устига хотин оляптику, бунақа пийиқ хотинларга эр билан яшашга йўл бўлсин». Ана шу хаёллар билан автобус келганини ҳам сезмай қолди ва шошиб автобусга ёпишди. Тиқилинч, ур-сурда ҳалиги аёлининг бошидаги рўмоли ҳам тортилиб кетди. Бир амаллаб автобус ичкарида ўрнашиб олган Назокатнинг унга жуда раҳми келди. Чунки жувон ҳар қанча ҳаракат қилмасин ҳатто эшикка яқинлаша олмас эди.

— Болангизни дераздан узатинг, — деди ниҳоят Назокатнинг сабри чидамай.

Жувон худди шундай қилди. Ниҳоят у ҳам автобусдагилар қаторига қўшилиб ва енгил уф тўртди. Уриндиқда ўтирган онахондан боласини олмақчи бўлди. Шунда аёл унга:

— Чиққунча роса қийналиб кетдингиз, йиғламайпти-ку, нафасингизни ростлаб олинг, — деди. Жувон эса:

— Йўғламайди-ю, сизни қийнаб қўймасмикан, — дея йиманди.

— Мен қийналаётганим йўқ. Ҳеч ҳисолат торгманг. Лекин шундоқ ҳаётда йўлга чиқиб, болани қийнаганингиз ёмон бўлибди-да қизим. — Қайнонам бетоб

эдилар. Неварани соғиндим дебдилар. Шунга кўра сатиб келай дегандим. Хужайинимга ҳам қарамай ўзим бориб келиш учун йўлга чиқувдим.

— Барака топинг, болам. Аслида ҳаммаси ҳам Оллоҳнинг қуни. Кўнгил олганга, ҳол сўраганга етмайди, эрингиз эшитса ҳам роса хурсанд бўлади, — деди онахон жувонни алқаб.

Шунда Назокатнинг боғина раҳми келиб, ачиқиб қараган жувонга нисбатан ҳам ҳаваси, ҳам ҳасди келди. Ҳатто шу хунуқина, ўзига қарашни ҳам билмаган жувоннинг ҳам эри бор экан...

Жувоннинг оғзини тўлдириб «хужайиним» дейишига ҳеч ким таажубланмапти ҳам...

Шунда... Ишхонага янги жемфер кийиб борган қуни содир бўлган воқеани эслади.

— Қардан олдинг, — деди таниш ўртоғи.

— Хужайиним...

— Қанақа хужайининг?!


— Ўз никоҳига олган «хужайиним»-да.

— Э, қўйсангчи бўлмагур гапни, учта боласи бор бировнинг эри сенга эр бўлармиди? Уялмайсанми уни «хужайиним» деб оғзини тўлдириб гапиргани.

Бу гап Назокатнинг юрагига наштадай санчилди, бўзғайта бир нима тиқилиб, кўзи ёшга тўлди. Лекин у сизиб чиқмади, индамади. Чунки нақадар ачиқ бўлмасин, аини ҳақиқат гапирилган эди. Ташлада танишининг гапини ҳазилга олиб кулса-да, ичидан зил келди.

Назокат бутун автобусга чиқаётиб кўрмисизгина аёлга жуда раҳми келган эди. Ташлаётганда аксинча ўз-ўзига нисбатан биринчи бор ачинди. Орқасига, ўша аёлга бир марта назар ташлади-ю, шу сониядан бировнинг оши бировга татимаслигини англади. Бу англаш жуда кеч ва жуда вақтида эди.

**Шаҳзода АКБАРОВА, Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани**



Балозай бекаати

# МУҲАББАТ ВОҚИЙИМИДИ...

Бугун дугонам Гулнора-нинг тўйи. Кундузи баъзи жамшид бўлди. Барча си-ндлошлар Гулнорага бахт тилладилар. Ўша кеч кели-ни кўбининг уйига элтиб бориш учун дугоналари қол-дик. Бир пайт Гулнор опа менинг қўлига бир мактуб тўтқазди. «Яхшилаб ўқи, агар имкон тополсан, жа-воб ёзин илтмос», — де-ди. Шу кун Гулнорани ёр-ёр садолари остида кўвни-нг уйига ташлаб келдик. Тун... Мен қўлимдаги мак-тубни ўқишга шошилдим. Хусниҳатидан ўғил бола ёгани биллиниб турган, ги-жмиланган, сақланган мак-туб.

«Ассалому-алайкум мен учун дунёда энг азиз ва меҳ-рибон инсон. Мен бу мак-тубни ёзиш ҳақида жуда кўп ўйладим. Сизга бахт келтирадиган тўй менга бах-тисиз келтирди-деб сира ўйламаган эдим. Сизга умр йўлош бўлаётган ўша номаълум кишига ҳавасим келди. Илоҳим оstonангиз олтин бўлсин. Бахтга бека бўлинг. Азиз ва меҳрибон онахон, мен сизга бу ачиқ ҳақиқат ҳақида аввалроқ ай-моқчи бўлдим-лекин сизни йўқотиб қўйишдан қўрқиб айта олмадим. Энди мен сизга доимо талпинсамда, аввалгилар истаган пайтда ёнингизда бўлолмайман. Гулнора опа, мен сиз

билан ҳар қуни мактабга бир-га қатнадим. Сиз менга ҳам-фикр эдингиз, доимо меҳр би-лан алқардингиз. Утмишин қанчалар бахтсиз бўлган, ле-кин сизни ўйласам ҳеч афеус-ланмайман. Сизга бир бошдан гапириб берсам...

Мен ўзи аслида ёлғон му-ҳаббатнинг ачиқ меваси бў-либ дунёга келган эканман. 3 ёшга кирганимда ота-онам аж-ралидилар. Онам бошқага тур-мушга чиқди, далам ҳам бош-ка бир аёлга уйландилар. Онамга борсам ўйга ота боқ-мади, даламга борсам у она ёқ-мади. Ота-онам тирик бўла ту-риб етим бўлиб қолдим. Бах-тимга бовим борлар, бувижо-ним мен учун жонини фидо қилар эдилар. Уларни вожа ет-казди. Ҳаммага бахт, омад, му-ҳаббат келтирадиган 16 ёш менга бахтсизлик келтирди. Бувим оламдан ўтдилар. Энди мен зolim келинони, бемехр тога қўлида қолдим. Мен сиз-га жудаям боғлиниб қолдим, уйдан ором топмасамда лоимо сизга талпиниб, сиздан меҳр олар эдим. Сиз менинг энг қувончли ва гамли қуларим-га ҳамроҳ бўлдингиз. Мактаб-нинг олтин медал билан тамом-лаганимда биринчи бўлиб сиз табриклидингиз, олийтоҳга ҳужжат топшириб энг юқори баҳолар билан талаба бўлдим. Ҳамроҳларимнинг ота-онаси, дўстлари табриклиди, бир қу-чок гўл билан сиз келдингиз. Ота-онамдан кутмаган мурув-

ватни сиздан кутдим. Мен учун энг яқин киши сиз эдингиз. Ушанда бувим касал бў-либ ётанлариди — «Бахтиёр болам аслида сен бахтсиз бў-либ дунёга келган экансан, сенга мендан кейин қийин бўлмасмикан, — деб уйлайман. Вақтлар келиб ўзинг тушуниб оларсан, сенга бир гапни ай-тиб қўяй.

Далам билан ўша сен ҳур-мат қилган Гулноранинг она-си бир-бирларини жуда севар эдилар. Онам Мухайё бизни ён кўшнимиз эди. Буларнинг ҳаммаси битта синфда ўқир, яқин дўстлар эди. Мухайё би-лан Ханифа ораларидан қил ўт-мас дугона эдилар. Даламг Ханифага мактублар ёзар, Мухайё эса уни элтиб бевар, унинг жа-вобларини даламга келтирар, баъзи ҳолларда далам билан Мухайё Ханифаларниқига бо-риб анча суҳбатлашар эдилар. Улар мактабни тамомлайдилар. Ханифанинг дадаси оламдан ўтган эди, у онасига ёрдам бер-иш учун ишга кирди. Мухайёнинг дадаси билан сенинг бобонг яқин дўст эдилар. Да-дангни амакиларинг терговчи бўлади, деб Хуқуқшунослик олийтоҳига киритдилар. Мухайё ҳам ўзига тўқ оиланинг фарзанди, у ҳам Ташмига ўқишга кирди. Даламг Хани-фага содиқ эди. У доимо Хани-фага талпиниб яшайди. 11 кўрсда ўқитганда бобонг кел-лини олиш ниятига тушиб қол-ди. Бир қуни эса дўсти Ак-

ромжоннинг қизини келин қи-ламиз, — деб қолдилар. Мен саросимага тушиб қолдим, чо-расиз эдим. Уларга бўлиб ўтган воқеаларни тушунтирмақчи бўлдим.

— Ешиқда ҳамма нарса бў-лади. Бахтли бўлиш инсонни-нг ўзига боғлиқ. Ҳаёт бошқа, муҳаббат бошқа, деб ўшқириб бердилар.

Бобур ўзини ҳар ёққа урди. Одамларни кўзига қандай қа-райман. Ханифага нима дей-ман. Бундан кўра мени уйдри-риб қўя қолларини. Ханифа-нинг мактубларини уй билан битта қилиб сочиб юборди. Ҳеч нарсанинг иложи бўлма-ди. Мен ваъда бериб қўйган-ман, дея бобонг оёқ тираб ту-ри, икки севишган қалбингиз ёлғиз туговчи, интиқ учрашув-ларининг сабабчиси ўша МУ-ХАЙЁ эди. Тақдирнинг бе-шафқатлигини қара, Мухайё ҳам аслида имдан Бобурни севар экан. У тўйга биринчи бўлиб розилик берди. Тўй ҳам бўлиб ўтди. Ўша қуни боши-да ироқи дўпни, орқаси тўла толим-толим соч атлас қўйлақда ёниб-ёниб Ханифа тўйга келди. Мухайёга энг яқин дугона, никоҳларига тув-воҳ бўлди. Уларга бахт тила-ди. Қандай бардошли, салоқат-ли қиз. Шу орада Ханифа ҳам турмушга чиқиб кетди. Йил-лар ўтди. Ханифа тинч-тотув, бахтли ҳаёт кечирди, фарзанд-ли бўлиб кетди. Бобур эса Му-

ҳайёга кўнгил бера олмади. Оилада доимо тушқун кайфи-ят ҳуқумрон эди. Негадир Ол-лоҳ уларга фарзандни бенасиб қилди. Ер-дўстлари фарзанд кўриб, хурсандчилик қилган-да у ўзини ҳеч ерга сиғдира олмас эди. Фарзанд сабаб ои-ла пойдевори нурай бошлади. Мухайё тез-тез ўз уйига кетиб қоладиган олат чиқарди. Шун-дай омонат даврда сен дунёга келдинг. Далам мен муҳабба-тда бахтсиз бўлдим, фарзандим бахтли инсон бўлсин, севи-син, севилин, етишин — деб ях-ши ниятлар билан исмингни Бахтиёр қўйди. Афеус онан-гинг уйдан, оиладан кўнгли совиған эди. Яна фарзанд бў-лади, сен 3 ёшга тўлганингда улар ажралдилар. Онамг сени олиб кетди ва ҳеч қанча вақт ўтмай бирга ишлайдиган вра-чига турмушга чиқди. Даламг сени олиб келди. Сен биз би-лан бирга бўлдинг. Даламг ҳам уйланди. Нодира ҳам яхши аёл эди, лекин сенга ёқмади. Улар билан яшашни хоҳламадинг, сени яна ўзим олиб қолдим. Мана болам бор гап шу. Ўша сен ёқтирган Гулнора аслида Ханифанинг қизи, балки у сенга опа бўлиши керакмиди. Ҳа, Гулнора опа аслида ҳам сиз менинг оламси! Сизни бутун борлигим билан сева-ман, ҳурмат қиламан. Ҳар гал сизнинг уйингизга борганим-да онангизинг менга қилган меҳрибонликлари, сўнг узок,

оғир азиз кишим бор. Ле-кин, афеус сиздан энди олисламоқдаман. Опахон, сиздан илтмос мени тарк этманг. Кейин ҳам йўқлаб туришимга руҳсат беринг. Мен талпинган қуёш ҳеч-қачон сўнмайди. Сиз менинг кўшимсиз. Энди сиз ўзга қалба паноҳ, ўзга уйга чи-роқ бўласиз. Сиздан бор ўтинчим шу. Сизни доимо қалбида асровчи, соғиниб қолувчи бахтсиз БАХТИЁ-Рингиз!

Мактубни минг бор қийноқ ва изтироб билан ўқиб чиқдим. Шундай бах-тли кунда Гулноранинг гап-гин ҳолатини тушундим. Унинг дўсти, меҳрибон ўка-си Бахтиёрни кўз олдимга келтирдим. Нима бу ҳақи-қий муҳаббатми, ёки...

Бир хулосага келишга ўзимда журъат сезолмадим, мактуб жавобини ёзишга шошилмадим. Лаҳзалик қа-рор бутун бир бахтсизлик ўпқонини яратганини ан-гладим.

Азиз газетхон, ушбу мак-туб ҳақида сизнинг ҳам фик-рингизни билишга қизиқдим ва мактуб йўлларсиз деган умид билан ҳукмингизга ҳа-вола этдим.

**Феруза ОРИПОВА ТошДУ талабаси**



# ТОҒДЕК СУЯНЧИГИМ БОР...

Азизим! Мен сизни тилбаарча севганим рост. Сизга туйғуларимни баён қилсам, сиз кулиб қўя қолгансиз. Туйғуларимни тушунмагансиз. Қачонлардир бир-биримиздан айрилиб кетишимизни, бизнинг йўлларимиз бошқа-бошқа эканлигини ҳар сонияда билиб турганда барибир девоналарча севардим. Ўша кунининг келмаслигини орзу қилардим. «Янги уйга кўчиб ўтамиз» — деганин-гизда юрагим орқага тор-тиб кетди. Энди ҳаммаси татом. Умуман учра-шмасак керак, деб ўйла-дим. Охири учрашувимизни кўз олдимга келти-ра олмаيمان. Сизни йў-қотиб қўйишдан жуда-

жуда қўрқаман. Ўзимни овутиш, ортамга назар со-маслик мақсадида ўша ку-ни Фазалкентга дугонала-рим билан кетдим. Афеус-ки, сизни кўз олдимдан кет-кази олмадим. Тўғи ҳар қа-дамимни таъқиб қилаёт-гандайсиз. Қайтиб келга-нимдан сўнг юрагим безов-та бўла бошлади. Ниҳонан-гизга нимагадир боргим йўқ. Чунки қандайдир тавна-ли ниҳолларга дуч келишдан юрагим безиллайди. Телефон гўшагини олиб рақамлар те-раман, овозингизни эшитар-миканман деб. Афеуски ну-қул нотаниш овозлар «йўқ» дейишдан нарига ўтишма-ди. Икки-уч кун бетоб одамдек эшикка термулиб ётдим. Эшик тиқ этса кел-

димикан, деб. Сиздан эса хабар йўқ...  
 Наҳот бир ҳафта де-ганда ўзингиз йўқлаб кел-дингиз. Сизни кўриб, бо-шим осмонга етди. Ўша кунни озми-кўлими сизнинг дардларингизни билдим. Шукр! Сизда ҳам юрак бор экан. Мен сизни те-мир одамга чиқариб қўюв-дим. Сиз ҳам соғинишни биларкансиз. Мени ҳам-мадан устуи қўйганингни, ҳар доим ёрдам қилингни-ни чўзганингни учун та-шаккур. Бу тош шаҳарда мен энди мағрур юрсам ҳам бўлади. Чунки сиздек суйиқчигим бор. Фақат, фақатгина бу севги мен учун армон бўлиб қола-сайди...

Насиба

Она... Бу сўзни эшит-ган инсоннинг кўз олди-га мунис мушфиқ она-жониси, «онахон» деган ҳайқириқдан эса юракла-ри ларзага келади. Авва-ламбор онанинг буоқли-гига, унинг сабр-бардо-шига таъзим айлайлик. Юқоридаги сўзларни мен бежизга келтирмадим. Куйидаги сизларга ҳаво-ла этмоқчи бўлган суҳба-тим ҳаёт аталмиш бир уммонда фарзанднинг номақбул ишларидан из-тироб чеккан ва қийна-ланган бир муштинпар она ҳақидадир. Уларнинг ис-м-шарифларини тўлиқ келтириб ўтирмадим.

— Келинг, онахон, ях-шиси саволин тўғридан-тўғри бошлай қолай. Қи-зингизнинг адашиб бошқа йўлга кириб қолишига ни-ма сабаб?

— Биринчи ўринда ои-ладаги муҳит сабаб деб ўйлайман. Чунки болала-ринми, айниқса, шу қи-зинини ортиқчароқ эрка-латворганим бўлса керак. Уларни ҳар доим кўнгли-га қараб лагер ёки сана-торийга жўнатдим. Айт-ган нарсасини олиб бе-рдим.

— Ўзингиз ўқитувчи бў-либ ишларкансиз, болча-ларга нисбатан бола ру-ҳиятини яхшироқ била-сиз-ку...

— Менинг айбим — уларни ҳар доим кўнгли-га қараб иш тутганим бўлди. Кези келганда да-даси қаттиқроқ танбех берсалар мен дарҳол уларнинг ўртасига тушиб қизимнинг ёнини олган-ман. Оилада кимдир қат-тиққўл бўлиши керак экан.

— Қизингизнинг ўқиш жойидан хат келмагунча унинг ўқишига, яшаш жой-га қизиқмадингизми?

— Автобусда юришга ҳо-лим йўқ. Ўқиш жойига ака-си иккалаамиз бир-икки ма-ротаба бордик. Домдалари, курсдошлари билан гап-лашдик. Ҳаммалари мақ-ташди. Ҳатто дарсдан сўнг ишлайётганини айтишди. Қизим яхши кийинсам, ях-

бўёғига худойим сабр-тоқат-ли қилсин. Қизим бечора алданиб қолади. Ўша ку-ни қон йиғладим. Йиғит гу-рнини қарғаб-қарғаб йиғла-дим. Дарҳол қизимни таниш дўхтирга олиб бориб тек-ширттирдим. Яна бошимга битта фалокат ёғилибди. Қи-зини касал юқтирибди. Беш йилгача турмушга чиқиси мумкин эмаслигини, тез-тез даволаниб туришини дўх-

риб, «Мени олиб кетсин» — деб тайинлаб юборибди. Бо-ла барибир бола экан. Шу заҳотиёқ тахсида учиб бор-дик. Йиғлаб кўришдик. Су-линг билсам, қизим ноилох-ликдан уйга қайтган экан. Ҳомилиси бор экан. Нима қилишга бошим қотди. Шунча азоб чекканларим каммиди. Буниси ҳам бор эканда. Бу қандай қўрғулик. Маҳалла-қуйда қандоқ қи-

мақбул ишларидан азият чекмадим?

— Пушаймонга энди кеч. У ўз ҳатосини кеч бўлсада тушунди.

— Айрим ота-оналар шунақа ҳолларда ўз фар-зандларини «оқ» қилиб юборишади. Сиз бунга қан-дай қарайсиз?

— Авваллари фалончи боласини «оқ» қилибди деб эшитсам ўзимча тўғ-ри қилибди, ундай бо-ланинг боридан йўғи яхши, дер эдим. Ҳар ким ҳам бошига туш-ганда биларкан. «Тип-ратикан боласини — юмшоғим, кўнғиз—оп-лоғим» дер экан. Ахир бир парча этни оқ та-раб оқ ювиб катта қи-лишининг ўзи бўладими.

Болангиз шу йўлга ада-шиб кириб қолибди дей-лик, биз унга энди тўғри йўлни кўрсатишимиз за-рур. Йиқилганни тегиб ўтири яхши эмас. Шундо-гам бола бечора нима қи-лишини билмай, жар ёқа-сида турган бўлсаю, биз уни яна «оқ» қилиб жарга итаришимиз инсофдан эмас. Авваламбор, ҳеч ким ҳаёт аталмиш бу йў-дан қоқилмасин. Гарчи шундай бўлган тақдирда ҳам менинг оналарга мас-лаҳатим; у юрагингизнинг бир парчаси. Эҳтиёт қи-линг, авайланг, асранг. Ўз йўларини таллаб, топиб олишларида сизлар шам-чироқ бўлингизлар.

Онанинг дардларини оққа кўчирувчи ХИММАТ қизи.

# «ФАРЗАНДИНИГИЗНИ ОҚ ҚИЛМАНИ!»

тирлар айтишди. Қон боси-мим кўтарилиб, ўзимдан кет-тирдим. Бир вақт қизимни оссам болаларим атрофим-да йиғлаб ўтиришибди. Эн-ди қандай чидайман. Ўлиб кетаверсам яхши эди дей-ман ўзимга-ўзим.

— Онахон, кўп қуюнавер-манг. Қизингиз ҳам билиб туриб шу ишни қилмагандир. Йиғитни суриштирмадингиз-ларми?

— Номард йиғитнинг ўзи келди. Мен унинг қизимни бермаслигини айтдим. У бошини эгиб чиқиб кетди. Қизимни ҳеч қачон чиқар-май қўйдим. Акаси бир мар-та танбех берган экан, у уйдан қочиб кетди. Ислама-ган жойим қолмади. Дадаси бўлса ичинини олат қилиб олди. У ҳам қуйиб кетди, дарди ичиди. Миршабларга хабар бергани ор қилдик. Беш ой лөганда қишлоғи-миздан бир аёлга адрес бе-

либ бош кўтариб юраман. Яна таниш дўхтиримники-га наҳот истаб бордик. У ёрдам беришни ваъда қил-ди.

— Наҳотки, сиз кўра-би-ла туриб болани аборт қил-дирмақчи бўлдингиз?

— Бошқа илоҳим ҳам йўқ эди. Дадаси қандай бош кўтариб юради, бу номақ-бул фарзандининг ишидан.

Қизимни тезда шифохо-нага ётқиздик. Ўғил экан. Неча йилдан буйн боласиз юрган келинимга берса бўл-масмиди шу ўғилни. Асли-да тилаган-тусаганга бер-майди ҳеч қачон. Шифохо-надан чиққач уни синглим-никига олиб бориб қўйдим. Кейин ишга жойлаштирдик. Ҳозир у синглимникида яшапти. Менинг ҳам ўз ор-зу-ҳавасларим бор. Қани уни ҳам келинлик либосида кўр-сам.

— Қизингиз ўзининг но-



МАЪНАВИЯТ

ЁШАНҚИДА ЙИНАМ

МАЪНАВИЯТ

Ушбу даври нима дегани? Унинг белгилари, ахамияти қандай? Ёшлар ва тижорат. Исломи ва дунёвий билимларнинг муштараклиги. Бугунги ёшларнинг маънавияти...

жавоб бердилар. Биз ушбу суҳбатда айтилган айрим фикрларни ёзиб олдик. Кобилжон ТОШПҲАТОВ: — Исломо оламидаги энг улуг аллома ва муҳаддис олимларнинг кўпчилиги Ватанимиз тупроғида туғилган камол тоғларига...

Баҳо дамларни мазмунли ўтказиш, имкон қадар кўп илм ўрганишга бахш этиш керак. Эро, қадим донишмандлигинг. «Ёшларда йил нам мағзини, Қаришан чоғида харж қилган ан» деган ўғитида қанчалик бисёр ҳикमतлар мужассам!

нг ўзида қимматга сотиши тижорат деб бўлмайди. Бундай йўллар билан бойинган инсоннинг маънавияти қашшоқ бўлади, эл-юрт, жамяят ҳам бу каби фаолиятдан ҳеч қандай ижобий манфаат кўрмайди.

БАЛПАДА

Оғир кун — душанба, Тонг саҳар палла, Жунжикиб бекатга кирганим замон, Уйқуси ўчмаган чарчаган илло Мени суриб кетди вагонлар томон.

Узайган нигоҳлар, Уюшган танлар, Муаллақ тирсаклар оқими аро Мен туйқус ортимга ўтирилдим... Пешонамга чақмоқ урилди гўё.

Мен кўрдим, Мен кўрдим, Кўрдим, худойим, Сен ўзинг турардинг устун ёнида — Оломон ичида сарвай мағрур Юмушга шошганлар издиҳомида.

Мен кўрдим, Бу ўзинг эдинг, азизам, Суюкким, яғонам, қувончим, бахтим! Мен ахир шунча йил тентиб девона Бир сени, бир сени, сени изладим.

Ниҳоят учрашдик, Ҳазор шукрона, Энди айрилмасан сендан то сўнг дам... Наҳот кўрмайсан? Мента бир қара, Бу мен чорлаётган, менман, азизам!..

Нега юксакларга тикдинг нигоҳинг, Мен ахир пастдаман оломон аро. Сен бир зум қуйига разм сол, жоним, Сен бир зум қаришган тўдага қара.

Наҳот кўрмайсан? Бу менман, ёраб! Мен ўзим ёнингда бораман шу он! Бироқ пишиллаган оломон яна Мени суриб кетар вагонлар томон.

«Мени қуйиб юбор, сўқир издиҳом, Шилимшиқ чангалинг бўшат бир лаҳза! Мени қуйиб юбор!» Уқраб йиғлайман, Бундаман, азизам, мента бир қара!

Йиғлаб ёлвораман: «Кўйвор, оломон!» Азизам, ҳеч курса овозим эшит. Оёғим узилар срдан ногаҳон, Изимдан қарсиллаб ёпилар эшик.

Поезд кўзгалари, Қанисан, жоним, Суюкким, яғонам, қувончим, бахтим! Мен ахир шунча йил тентиб девона Бир сени, бир сени излаган эдим.

ТУРМУШ

Автоларда эзилиб жисми Эр юмушдан қайтаркан чарчаб, Тил учидан турган исмини Остонага кўмар авайлаб.

Сўнг уйига қалам қўяди Тортганича қулоққа оғзин. Лоқайдиға кутиб олади Кўрсигами чўнкайган хотин.

«Ишлар қалай...» «Емонмас...» «Яхши...» «Овқат тайёр...» «Раҳмат, қорним тўқ...» Уқиш... жонга теккандир балки, Лекин ундан утга имкон йўқ.

Сўнг хизматда «ойнаи жаҳон» — Шуўлаларан токи ярим тун. Муздайгина ўрин. Икковлон Астагина ётарлар беун.

Ўтиб не бир фурсат, алоҳа Илинганди ҳамтўшак қўзи Эр сирғалиб пастга тушар ва Остонага отади ўзини.

У ҳовлиқиб, титраб, энтиқиб Ковлаб олиб исми дарҳол Кучар, суяр, ёниб-тулиқиб Улар минг йил кўрмаган мисол.

Сўнг... йиғлайди куйиниб, сассиз, Ювлайди кўз ёшга исм. Оғир азоб, армонли бир ҳис Ғижимлайди кўксин бетиним...

Кўзи қиймай, охир исмини Остонага кўниб авайлаб, Буйинин қисиб, гуноҳдор каби Эр тўшакка қайтар эмаклаб.

...Тонг отмасдан, қичқирмай соат, Ҳамтўшак маст уйқуда ҳамон, Аллақачон ишга тугал тахт Эр отилар остона томон...

\*\*\*

«Кейинроқ бўлади...» деганинг алдов, Жоним, ишонаман гарчи у ёлгон Сен бугун жонига солавер буров, Сен сиқиб сувини ичавер шу он.

Асли сўнгсизликда имкон хоржи, Сен уни чўзавер — сарҳад беадоғ: Уни комилликка бахш этган жўти Қорнин киртишасанг чўнкайгандай ёғ.

Шунда... ҳожасининг сасин илғабоқ Муриди кўтариб турганидай тахт, Дилинда бир ройиш пайло булароқ Югуртилаб келар хузуринга Вақт...

Абдуқалом ШИЛОДИ

Ёлғончи одамдан вафо кўтманг. Жасурлар юрак сизларга бош бўлсалар, сўнг барча кишилар ҳам юракли бўладилар. Мол-дунёга сўқланмаслик учун кўз тўқ бўлиши керак. Кўзи очлар бу дунёни бутун ютсалар ҳам тўймайдилар. Кўзи тўқ одам камбағал бўлса ҳам бой ҳисобланади. Одам сабали бўлса, ҳар бир ишда барака топади. Май билим ва ақл-заковатнинг ашадий душманидир. Май ўрш-жанжал ва адоватнинг ҳақиқий сабабчиси. Май қоринга киргач, ич спиралнинг илтиҳоти чиқаради. Сирта чикқан сир-сўзларнинг ўзининг куйдириг ўртайдилар. Билним май ичса билнимсиз бўлади. Билнимсиз май ичса, ақл-хушини йўқотиб ёш гўдак билан баробар бўлиб қолади. Таъмағир билан яқин юрма, у сенга душман бўлади. Агар сўзинг қадри бўлишини истасанг, сўралгандагина сўзла, сўзларинг тўғри, чин бўлсин. Улғин қарама, хўрматини сақла, сенга ҳам улғунлик келади. Қўт юқадилар. Сен асоссиз гапирма, кишининг орқасидан ёзғирма. Тўхмат сўнип излама ҳамда гина-кек сақлама. Тиркилик истаманг, эзгу ном истатинг. Одамга эзгу ном позим, бу тиркилик демекдир. «ҚАДИМИЙ ҲИҚМАТЛАР» ДИНСОЛДАН

ХУРРАК



— Ҳозирги ёшларга нима бўлган ўзи, Довулбой? Худонинг берган кўни «қўйди-чиқди» машмашаси. Қаранг, Қурбақободга... отинг кургур нимайди, ҳа, Бадал коварнинг арзандаси, «менга чекадиган хотин керакмас», деб гўдак хотинини қўйиб юборибди. Хотиннинг уводи тўтқур!

— Тўғрими, отахон? Ота ҳижолат бўлиб пешонасини қашиди: — Билмадим чирогим, сирасини айтганда ажралишга арзимайдиган... Хужумахон гапирини оғзидан олди: — Ишдан келганлариде қорин сурнай чалайти дейдиларда, ўтирган жойлариде ухлаб қоладилар. Овқатни олиб келсам, хурракни банд парлага олган бўладилар.

— Рухсат этинг, судья почка бу кишининг давасга хуррак отишини ҳозир ие-ботлаб бераман. Бадий юксак хурракларни магнит лентасига ёзиб олганман. Марҳамат эшитинглар, санъат асарини. Хужумахон шундай деб магнитфон муруватини босди. Оллавий дийдиё бошланди. — Офицантка Хузурхўжаева! — Нима-а! — Овқат! — Мана олиб кетаялман... Ия, хурракни бошлаб юборибдилар-ку? Хужайин, ҳой хужайин, туринг, овқат совиб қолди. Ана холос. Энди бу одамни пушка билан ҳам уйғотиб бўлмайди. Хужумахон магнитфонини ўчирди. — Тушунарми, — деди судья хомуза тортиб. — Келтирилган ашъвий далил тўғри ҳўкм чиқаришга имкон беради. Муқаддам судланмаган Хуррамбек Занжиралиев, айбиниғини бўйиниғизга ола-сизми? — Бўйиниға оламан, аммо жиноят... — Барақалла, азамат! Гап деган, бундай бўлибди. Иш осон кўчганидан хурсанд бўлган суд раниси икки томонни мурасога келтирмоқчи бўлди: — Энди фуқаролар, халқиниғизда чўмқунинг ҳам уяси бузилмасин, деган гап бор. Қани, Хуррамбек, мана шу ўтирган қоракўлар олдида: «Бугундан эйтиборан уйда хуррак отмайман» деб сўз берасиз. Гапим тушунарлими? — Тўрт хуррак пиво ичиб ланж бўлиб ўтирган Хуррамбек беихтиёр ҳа дегандай бош ирғиди. Кейин кўларини кериб чўқур хомуза торти-ла, варанглатиб хуррак отиб юборди: — Хурр... Хурр... Хурр

Абдулло ИСОМИДОВ

Қизик!

ИЧИШ УЧУН ФАҚАТ КУК ЧОЙ

Кўк чоёнинг инсон организми учун фойдали жиҳати ҳақиқат жуда кўп бўлган. Яқинда зонконалик оламлар кўк чоёнинг яна бир янги жиҳатини аниқлашди. Уларнинг аниқлашча, кўк чой қон таркибига холистрол микдорини камайтиришга шимат қилар экан. Мольумки, айрим ҳолларда холистрол моддаси юрак қон томирлари касаллиғини келтириб чиқаришга сабаб бўлади. Гонконг унйверситети мутахассислари чой барзиған фол инеремент моддасини ажратиб олдилар. Бу ҳар қандай доридан ҳам кўра фойдалироқ экан.

«ИННОВАЦИОН-ТЕХНОЛОГИК РИВОЖЛАНИШ ВА КИЧИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚОРХОНАЛАРИ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ»

ИННОВАЦИЯ-97

Республика илмий-амалий конференцияси инфорамцион вилдириш

Ўзбекистон Республикаси Ёшларнинг «Қамолот» жамағатиси, Навоий шаҳри Ҳокимияти, «Қизилқумка-меллметаллолит» давлат концерни, Навоий давлат тоғ институту, «Ўзбекистон» илмий-санъат ҳамкорлик ассоциацияси, «Навоийазот» ишлаб-чиқариш бирлашмаси 1997 йил 19-20 май кунлари Навоий шаҳрида «Инновацион-технологик ривожланиш ва кичик ишлаб чиқариш қорхоналари тизимини яратиш муаммо ва истиқболлари» (Инновация-97) мавзусида республика илмий-амалий конференциясини ўтказди. Конференция ишда қатнашши истагани вилдирган мутахассислардан ўз маърузаларининг тезисларини 1997 йил 30 апрелда ташиқилиш кўмитига таъсия этишларини сўрайми.

Манзилимиз: 1. 700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси-11, «Қамолот» жамағатиси, 11-16 хоналар. Телефонлар: (8-3712) 41-28-07, 41-00-50. Факс: (8-3712) 41-08-09. 2. 708600, Навоий шаҳри, Юнжой кўчаси-27а, Навоий ДТИ. Телефонлар: (8-436-22) 3-15-07, 3-12-70. Факс: (8-436-22) 3-16-40. ТАШКИЛИЙ КҮМИТА



«ТОШШАҲАРИОТРАНС» КОНЦЕРНИГА ҚАРАШЛИ ОЧИҚ ТУРДАГИ 127-ҚОРХОНА БАЛАНСИ

Table with financial data for 'TOSSHAKHARIOTRANS' concert company, including active and passive assets, and balance sheets for 1997.

Берилган баланс «Узавтоудит» орқали текширилди ва тасдиқланди (лицензия N 253) 127-хиссадорлик автотранспорт жамоаси 1997 йилининг 1-чорак якумига бағишланган умумий йиғилишини 1997 йил 24 апрель соат 16.00 да ўтказилади. Манзилимиз: 700034, Тошкент шаҳар, Қорасарой кўчаси, 325-уй.

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «ҚАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ. Хомий: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАВБУЛОТ ТАРКАТИ» УОШМАС» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЕЗОВ. Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова

ТАХРИРИЯТ: Кабулхона — 36-56-58, 33-95-97; Катлар бўлими — 36-54-64; Тел. рақ. бўлими — 33-79-69; Ижодкор ёшлар бўлими — 36-54-64; Спорт, ҳарбий ватанпарварлик бўлими — 36-58-93, котибият — 36-58-48

Муаллифлар фикри тахририят нуқтан назаридан фарқланishi мумкин.